

## ПРЕЗИДЕНТ МАҲАЛЛА ҲАЁТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Бағдод туманинаги Юксалиш маҳалласида бўлиб, аҳоли турмуш шароити билан танишди.

Хунармандчилик, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган бу маҳаллада З минг 300 нафарга яқин аҳоли яшайди. 560 дан ортиқ хонадоннинг барчасида томорқа, ўндан ортиқ иссиқхона бор. Улардан омилкорлик билан фойдаланиб, икки марталаб ҳосил олинмоқда.

Яна баъзи оиласалар ёғоч ўймакорлиги, темирчилик, каштачилик билан шуғулланади. Бугунги кунда маҳаллада тадбиркорлик субъектлари сони йигирматадан ошди. Мактаб, боғча ва поликлиника бор. Уларда ҳудуд аҳолисининг бир қисми доимий иш билан банд.

Ўтган йили 131 киши ишга жойлаштирилган. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун 22 та лойиҳага 240 миллион сўм кредит ажратилган.

Давлатимиз раҳбари маҳалладаги “Гулнора Матқулобод бодомлари” корхонаси фаолияти билан танишди.

Бағдодда бодом яхши ўсади. Корхона 11 та маҳалладаги 500 дан ортиқ хонадонларга бодом тарқатиб, сотовга тайёрлатади. Бир кунда 3 тоннагача маҳсулот қайта ишланади. Ҳозирда пўсти юмшатилган мазали бодомлар пойтахтимиз ва вилоятларга етказиб берилмоқда. Тадбиркор аёл энди уни экспорт қилишни режалаштираётганини айтди.

Президентимиз тадбиркор ва касаначи аёллар билан самимий сухбатлашди. Ташаббускорлиги ва меҳнатсеварлиги, ислоҳотларга камарбаста бўлиб, хотин-қизларни ишли қилаётгани учун уларга миннатдорлик билдириди.

Маҳалла бюджетида 83 миллион сўм бор. Кўчалар обод, хонадонлар саранжом-саришта. Маҳалла марказида ҳуқуқ-тартибот идораси, чиқинди йиғиш пункти барпо этилган.

Шу йил 25 июнь куни давлатимиз раҳбари ҳузурида ўтган йиғилишда маҳаллаларда сервис компанияси ташкил қилиш чоралари белгиланган эди. Шу асосида бу ерда ҳам “Юксалиш” маҳалла-сервис компанияси ташкил этилди.

Сервис компанияси Бағдод туманинаги 5 та маҳаллага хизмат кўрсатади. 24 соатлик иш йўлга қўйилган. 22 нафар ишчи, ўнга яқин юқ ташиш ва маҳсус транспортлар, таъмирлаш анжомлари эл хизматида.

Тўловларни ундиришда “Менинг уйим” электрон дастуридан фойдаланилади. Унинг идораси ҳовлисида хунармандлар учун ҳам шароит яратилган.

Бу тажрибани кенгайтириб, маҳаллаларни обод қилиш, бандлик ва озодаликка алоҳида эътибор қаратиш муҳимлиги таъкидланди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)